# ЭЛ-УЛУС РОЗИ БЎЛСИН...

Шуни ҳам айтиш керакки, фермернинг ҳар бир ютуғи замирида, аввало, йил — ўн икки ой тонгдан шомгача заҳмат чекиб қилинган оғир ва ҳалол меҳнат ётади. У ўз зиммасидаги масъулиятни ҳеч вақт унутмайди, ҳар бир қарич ерни қадрлайди, унинг умрини бекорга ўтказмасликка интилади. Сувдан, ўғитдан, техникадан режали ва оқилона фойдаланади. Ғўзани ҳам ўз вақтида, меҳр билан парвариш қилади. Чунки бу — унинг ўз мулки, оиласи, фарзандларининг ризқ-рўзи, унинг бойлиги...

Юртимиздаги табиатнинг ўзи яратиб берган мавжуд имкониятлардан, ер ости ва ер усти бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиб, ишни тўғри ташкил этсак, саховатли заминимиз ҳаммамизни боқиши шубҳасиз.

**Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият одамлар амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини, хусусан, қишлоқдаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини кўриш мумкин,** деб таъкидлади Президент. **Ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин, ҳаёт шиддат билан илгарилаб борар экан, сиртдан қараганда, бизга бир текисдек бўлиб кўринадиган бу жараёнда, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида тўсиқ бўлаётган кўп-кўп ғовлар, эскича қараш ва ёндошувлар ҳам борлигини сезиш қийин эмас.**

Очиқ айтадиган бўлсак, ҳозир мамлакатимизда эскилик билан янгилик ўртасида кескин кураш бормоқда. Бир пайтлар ўзи хон, кўланкаси майдон бўлган кимсалар ҳамон эски замонни қўмсаб, қандай бўлмасин, ислоҳотлар йўлига тўғаноқ бўлишга ҳаракат қилмоқда. Энг ёмони, улар бундай ишларни билинтирмай, зимдан қилишга уринмоқда.

Бу уринишлар нимада ва қандай намоён бўлмоқда?

Унинг шакли, тури ва кўринишлари кўп, лекин, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, бундай хатти-ҳаракатлар биринчи галда масъул лавозимда ўтирган айрим мансабдорларнинг ўз манфаати, ўз ҳамёнини ўйлаб, мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорларнинг ижросини атайлаб пайсалга солишида, тўрачилик, таъмагирлик ҳолатларида, ошна-оғайни, қариндош-уруғ ва ўз шахсий манфаатини давлат, эл-юрт манфаатидан сурбетларча устун қўйишида кўзга ташланади. Оғизда уларнинг бирортаси бугунги сиёсатга, ислоҳотлар йўлига қарши чиқмайди, аксинча, бу ҳақда тилидан бол томиб гапиради, амалда эса... Амалда эса қандай бўлаётганини қатор нохуш мисолларда, жиноий кирдикорларда кўриш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам Президент мана шундай йиғилиш ва мажлисларда ҳар сафар шу тўғрида куйиб-ёниб гапиради, нопок амалдорларни фош қилишдан, уларга қатъий, қонуний чоралар кўришдан, оёғимизга, онгимизга кишан бўлиб турган ярамас иллатларга қарши бутун жамият бир мушт бўлиб курашиши зарурлиги ҳақида гапиришдан чарчамайди.

Ушбу сессиядаги нутқида ҳам Ислом Каримов минглаб одамлар тилининг учида турган, уларнинг қалбини, юрагини ўртаётган дарду ташвишлар ҳақида холис ва ҳаққоний сўз юритиб, мавжуд аҳволни ўнглаш юзасидан амалий таклиф ва маслаҳатлар бергани айниқса эътиборлидир.

Масалан, мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика бўйича пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 70 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, пойтахт вилоятида бу рақам 40-43 фоиз даражасида эканига диққатни жалб этди.

Ўйлаб кўрайлик, рентабеллиги паст, иқтисодий самарасиз ўнлаб ширкат хўжаликларини шундай чалажон ҳолатда сақлаб туришдан аслида ким манфаатдор?

Ҳеч шубҳасиз, ўша туманлар ва ширкат хўжаликларининг раҳбарлари.

Чунки улар фақат ширкат хўжаликларига ўз ҳукмини ўтказа олади, бинобарин, ғаразли мақсадларини, турли қинғир-қийшиқ ишларини фақат шу ерларда амалга оширади. Ташқаридан қарасангиз, бирон-бир ҳоким ёки мутасадди раҳбар фермерлик ҳаракатига қарши эмасдек. Айни пайтда аксарият шу вазифада ўтирганлар зимдан бу ишга тўсқинлик қилади, фермер бўлиш умидида юрган ҳақиқий деҳқонлар олдига расмиятчиликдан иборат тўсиқ-ғовлар қўйиб, тегишли қарорларни ўз вақтида чиқариб бермайди, фермернинг оёғидан ушлаб орқага тортишади. Айниқса, унга ер ажратиб беришда кўп "ҳунар" кўрсатишади.

Бу ҳақда гапирар экан, юртбошимиз ҳаммамизга яхши таниш бир манзарани эслатиб ўтди. Кўпинча бугунги ҳаёт талабига жавоб бера олмаган, урилиб-сурилган, лекин ҳоким билан ош-қатиқ бўлган собиқ амалдорлар, гарчи умрида деҳқончиликнинг кўчасидан ўтмаган бўлса-да, лавозимдан кетгач ёки пенсияга чиққач, бир думалаб "фермер" бўлиб олишади ва энг сара, унумдор ерларга эга чиқишади. Кейин эса мана шу ерларни ҳокимиятга, ширкатга юз бора қатнаб ер ололмаган бечора деҳқонга "аренда"га бериб қўйишади. Ўзлари эса соя-салқинда ётиб, бировнинг меҳнати ва кучидан келган даромадга хўжайинлик қилишади. Халқнинг, қонуннинг юзига бундан ортиқ оёқ босиш бўлмаса керак!

Ёки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ҳосилдор ерлар мансаб курсисида ўтирган айрим корчалонлар томонидан талон-торож этилишини олиб кўрайлик. Вилоятнинг мансабдор шахслари 822 гектардан зиёд ер майдонини қонунга зид равишда ўз яқинлари ва ошна-оғайниларига бўлиб берганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай ноҳақликни кўриб, уни изтироб билан юрагидан ўтказган оддий одамларнинг ишдан қўли, ҳаётдан ҳафсаласи совиб кетмайдими? Улар: "Шаҳар бедарвоза экан-да", — деб ўйламайдими?

Давлатимиз сиёсатини обрўсизлантириш учун зимдан мунофиқларча қилинаётган бундай хатти-ҳаракатларни ўз номи билан, яъни жиноят деб аташ, ўйлаймизки, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Албатта, ҳаёт бор экан, кураш давом этади. Ва бу курашда халқимизнинг табиатида устувор бўлган инсоф ва адолат, поклик ва ҳалоллик каби олижаноб хислатлар, қонунларимизда белгилаб қўйилган тамойиллар ғолиб чиқиши муқаррар. Лекин ҳозирги мураккаб замонда бир четда қўл қовуштириб, томошабин бўлиб қараб туриш ҳеч кимга, биринчи галда, ўзини раҳбар, етакчи деб билган инсонга асло ярашмайди. Ҳар бир одам, ҳар бир фуқаро аниқ ҳаётий позицияда туриши ва уни ҳимоя қила олиши лозим. Чунки бу курашда эртанги кунимиз, келажагимиз тақдири ҳал бўлади.

Бу — Президентимизнинг нутқидан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулосадир.

## БАРҚАРОР ДАРОМАД ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?

Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида барча ҳудуд, минтақаларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда барқарор даромад манбалари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу сессияда ҳам бу ҳақда батафсил фикр юритилди.

— **Худога шукр, бу йил об-ҳаво қулай келиб, пахтакорларнинг омадини берди. Лекин, деҳқонларнинг таъбири билан айтганда, йил йилга ўхшамайди. Шунинг учун биз ҳар қандай ҳолатларга ҳам тайёр туришимиз, доимий, барқарор даромад манбаларини излаб топиш ва ишга солиш ҳақида бош қотиришимиз зарур,** — деди Президент Ислом Каримов.

Агар, биз бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент вилояти аҳолиси ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётганини, ҳозирги кунда бу ерда 270 мингдан зиёд кексалар, 550 минг нафар вояга етмаган ёшлар, умуман 1 миллиондан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар борлигини инобатга олсак, ушбу фикр муҳим ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб айтилганини англаб етамиз. Қолаверса, юртимизда янги иш ўринлари очишга омил бўладиган имкониятлар ҳам беҳисоб. Мана, бир мисол. Мамлакатимизда боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириб, етиштирилаётган ширин-шакар ноз-неъматларни қайта ишлаб, жаҳон бозорига олиб чиқиш орқали қанча даромад топиш мумкин.

Ҳар бир вилоятда барқарор даромад манбалари яратиш учун қулай табиий шароитлар мавжуд. Маърузада таъкидланганидек, Тошкент вилоятида тоғли жойлар, қир-адирлар ва дашту далалар оз эмас. Бўстонлиқ ёки Оҳангароннинг бепоён яйловларини бир кўз олдингизга келтиринг. Бу ерларда чорвачиликни истаганча ривожлантирса бўлади. Сирдарё ҳудудида балиқчиликни, тоғли ҳудудларда эса асаларичиликни кенг йўлга қўйиш мумкин.

Фақат бу масалада ишнинг кўзини билиб, ташаббус ва тадбиркорлик, журъат ва ҳафсала билан ҳаракат қилиш керак.

Маълумки, пойтахт вилоятини йирик коммуникация тизимлари, қатор магистраль йўллар кесиб ўтади. Мана шу йўллар атрофида замонавий инфратузилмани шакллантириш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, шубҳа йўқки, қўшимча даромад манбаларини яратади.

Биргина мисол. Қамчиқ довони орқали узоқни яқин қиладиган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий коммуникация тармоғи барпо этилди. Лекин, бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги вақтда ана шу йўл атрофи қанчалик обод қилинди, йўловчиларга хизмат қиладиган нечта ошхона, нечта кемпинг қурилди? Нечта савдо шохобчаси ишга туширилди? Бугун Тошкент вилояти ҳудудидан Қамчиқ довони тарафга юрсангиз, йўлда ўнлаб жойда увада картон ёки пластик плёнкалар билан ўралган, кўримсиз қўлбола дўкон ва бозорчаларга дуч келасиз.

Вилоят ва тегишли туманлар ҳокимлари шу манзарани кўрмаганми? Улар бу жойларни тартибга солишни, санитария нормаларига жавоб берадиган дўкон ва расталар қуришни, қонунда белгиланган патент ва солиқ тўловлари асосида ишлайдиган замонавий савдо нуқталарини қачон ташкил қилади?

Айни пайтда, қаерда, қайси ҳудудда қандай иш ва касб-ҳунарлар истиқболли эканини, қадимда ота-боболаримиз қайси соҳа билан шуғулланганини чуқур ўрганиб чиқиш, уларнинг тажрибаларини бугунги кунга мослаштириш ҳам фойдадан холи эмас, албатта.

Чиндан ҳам, **изланувчан ва ташаббускор, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ҳам ечимини топа олади. У мана шу ер — меники, мана шу юрт — ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш — менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур.**

## АВВАЛО, ХИЗМАТ ЖОЙИДА БЎЛСИН

Кейинги пайтда мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, хусусан, коммунал хизмат соҳасида йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий муаммоларни ечиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Тошкент вилоятининг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида ҳам бу борадаги аҳволни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Эскирган уй-жойлар, айниқса, кўп қаватли бинолар таъмирга муҳтож аҳволда. Вилоят коммунал хизматни бошқариш тизими янгича бозор муносабатларининг кескин талабларига мослаша олмаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Натижада, бир томондан, бу ташкилотлар кўрсатаётган хизмат сифатидан аҳоли норози бўлса, иккинчи томондан, коммунал хизматлар учун тўлов интизоми издан чиқиб кетган.

Шу ҳақда гап борар экан, мамлакатимиз раҳбари:

— **Мен коммунал хизматларга тўловда қарзларнинг ўсиб боришида аҳоли айбдор деган фикрга мутлақо қўшилмайман,** — деб таъкидлади. — **Сабаби, тўловни тўғри йўлга қўйиш учун, аввало, шунга яраша хизмат қилиш керак. Ўзингиз ўйланг, кўрсатилаётган хизматнинг тайини бўлмаса, уйлар, йўлаклар таъмирланмаса, сув, иссиқлик энергияси, газ ва электр таъминотида узилишлар бўлаверса, кимнинг ҳақ тўлагиси келади? Шундай хўжасизлик туфайли неча йиллардан буён бу муаммо, афсуски, ўз ечимини топмаяпти. Энг муҳими, бу масала вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган.**

Сўнгги вақтда бу борада пойтахтимиз Тошкент шаҳрида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Уй-жойлар, кўп қаватли уйларнинг йиллар мобайнида қаровсиз ётган ертўлалари, йўлаклари, томлари ва майдончалари, бошқа коммуникация тизимлари таъмирдан чиқарилмоқда. Ҳокимларнинг ўзи этик кийиб, ертўлаларда юрибди. Бу масала бўйича тегишли ҳукумат қарорлари чиқарилди, назорат кучайтирилди. Бу, албатта, дастлабки қадамлар, холос. Лекин, иш жойидан силжиди, аҳолида, одамларда, қилса бўлар эканку, деган фикр пайдо бўлди. Муҳими, истеъмолчилар ҳам коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўлай бошлашди.

Мана шундай тажрибани барча вилоят, шаҳар ва туманларда кенг ёйиш вақти келмадими?

## "ФИДОЙИЛИК СОҲИБИ..."

Халқимиз етти ўлчаб бир кесади, ҳамиша топиб гапиради. "Минг қўшчига — бир бошчи" деган ҳикмат ҳам шу тариқа юзага келган бўлса, ажаб эмас. Албатта, раҳбар бўлиш осон эмас, айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда. Ҳар қандай раҳбар, аввало, ўз зиммасига жуда катта масъулият ва жавобгарликни олишга қодир бўлиши лозим. Эл-юртнинг бошини қовуштириб, улкан ишларга сафарбар этиш учун алоҳида маҳорат, тажриба ва салоҳият бўлиши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямаслиги даркор. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, ҳар бир ҳудуднинг раҳбари шу ернинг ҳақиқий эгаси, фидойилик соҳиби бўлиши керак. Шундагина у одамларни ўз ортидан эргаштира олади.

Шу маънода, вилоятнинг бошқарув бўғинларида ишни биладиган, ҳалол ва холис етакчилар билан бирга, уқувсиз, лаёқатсиз раҳбарлар ҳам ишлаб юрганини тан олиш керак. Ҳатто шундай раҳбарлар ҳам борки, улар доимо енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб юради, жиддий масалаларда ўзини меҳнатдан, жавобгарликдан олиб қочади.

Бугунги ҳаёт шу қадар шиддатли кечмоқдаки, унга ҳамқадам бўлмаган раҳбар четга чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Президент шу ҳақда ўз фикрини билдирар экан, яна бир бор, барча ишлар, ислоҳотлар, аввало, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун амалга оширилаётганини таъкидлади. Шу маънода, ҳар бир етакчи — ҳокимми, бошлиқ ёки директорми, раисми — аввало одамлар қандай яшаётганидан, керак бўлса, уларнинг кундалик эҳтиёж ва муаммоларидан доимо хабардор бўлиши керак, деб уқтирди. Чунки, раҳбарнинг ишига ҳақиқий баҳони халқ беради ва хулоса чиқаради.

Раҳбар ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этишида жамоатчилик назоратининг, айниқса жамоат ташкилотларининг таъсири алоҳида ўрин тутиши даркор, деди юртбошимиз. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, жойларда раҳбар кадрлар қўнимсизлиги, улардаги масъулият ва жавобгарлик ҳиссининг пасайиб кетганида жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ҳам маълум маънода айби бор, албатта.

Вилоят ёки туман ҳокимининг ножўя ишлардан тийилиб, ўз хизмат вазифасини, зиммасидаги бурчини доимо ёдда тутиб, қонун доирасида ишлашида кенг жамоатчилик, партияларнинг ўз ўрни ва таъсири бўлиши керак. Бунинг учун эса, бу ташкилотлар "тишли-тирноқли" бўлиши, раҳбар бирор камчиликка йўл қўйса, уни тартибга чақиришдан чўчимаслиги лозим. Яна бир гап шуки, жойлардаги депутатлар корпуси вақти-вақти билан ҳоким бўладими, бошқа соҳа раҳбари бўладими, уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориши, ўз фикрини очиқ айтишга ўрганиши, баҳс-тортишувлардан чўчимаслиги керак. Ана шундагина раҳбарларнинг оёғи ердан "узилиб" қолмайди, деди пировардида давлатимиз раҳбари. **Бугун биз бошимиздан кечираётган мураккаб давр, ҳаётнинг ўзи ҳар қайсимиздан белни янада маҳкамроқ боғлаб, мана шу муқаддас юрт учун, унинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилишни, ёниб яшашни талаб этмоқда.**

Албатта, вилоятда камчилик ва муаммолар оз эмас. Лекин шу билан бирга, ўз ишини ташкил этиб, сабот билан меҳнат қилаётган, ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритаётган янги давр кишилари, фермер ва тадбиркорлар, фидойи ватанпарварларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, бу одамлар кенг миқёсда, соғлом ва амалий фикр юритиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшамоқда, ишламоқда.

Сессияда юртбошимиз ана шундай тадбиркорлардан бири, Чирчиқ шаҳридаги "Ҳаракат-плюс" кичик корхонаси раҳбари Отабек Саидов ҳамда чинозлик фермер Муқим Эрхўжаев фаолиятига алоҳида эътибор қаратди.

Муқим Эрхўжаев бошчилик қилаётган фермер хўжалиги бу йил режадаги 236 тонна ўрнига 600 тоннадан ортиқ пахта етиштирди. Ҳосилдорлик 47,7 центнерни ташкил этди. Шартномавий режа 190,6 фоиз қилиб бажарилди. Хўжалик 119 миллион сўм даромад олди.

Отабек Саидов эса бундан ўн йил муқаддам 1 миллион сўм сармоя билан иш бошлаган эди. Ҳозир корхонасининг йиллик айланма маблағи 3 миллиард сўмдан ортиқ. Мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида корхона филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Президентнинг: "Келажакдаги мақсадингиз нимадан иборат?" — деган саволига жавобан Отабек Саидов шундай деди:

— Мен ҳар сафар ривожланган мамлакатларга борганимда, ўша юртдаги бадастир ҳаётни кўрганимда, Ўзбекистонимизда, вилоятимизда ўзимга ўхшаган тадбиркорлар янада кўпайишини, улар жамиятимиз равнақига хизмат қилишини, халқимиз тўқ ва фаровон яшашини, она-Ватанимиз гуллаб-яшнашини истайман. Бунга эришиш учун бизда ҳамма имконият етарли. Фақат қаттиқ ишлаш, муттасил изланиш, қатъий ва тинимсиз ҳаракат қилиш керак бўлади.

Ҳаётда шундай қонуният мавжуд. Ҳеч бир нарсага заҳматсиз эришиб бўлмайди. Шу маънода, Ватанимиз келажаги ҳалол меҳнати, яратувчилик салоҳияти билан юзага чиқиб келаётган мана шундай ғайрат-шижоатли, фидойи ёшлар қўлидадир.

— Уларга нима керак? — деди Президент. — Эътибор ва яна бир бор эътибор. Ана шунда билимли, иродаси бақувват, изланувчан бу ёшлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётимизнинг ҳам мустаҳкам пойдеворига айланади.

Сессияда айтилган бу фикр ва мулоҳазалар барчамизни чуқур ўйлашга, аввало, эл-улус, она юртимиз манфаатлари йўлида доимо ёниб, изланиб яшашга даъват этади.

**М. ФАТХУЛЛАЕВ,**
**Ё. БОЗОРОВ.**
**«Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 10 ноябрь.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Изчил ислоҳотлар*



# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА

**«Асвен-Дистилерис» масъулияти чекланган жамият дастлабки одимлариданоқ бир маромда фаолият кўрсата бошлади. Узумни қайта ишлашга ихтисослашган корхона бундай хом ашёга бой Қибрай туманида барпо этилган эди.**

Қаровсиз аҳволдаги ишлаб чиқариш ўрнида корхонага асос солишнинг ўзи бўлмади, албатта. Уни ташкил этишга киришган тадбиркорлар банкдан зарур кредит олдилар. Таъмирлаш ва янги технологияларни жорий қилишга 30 миллион сўм сармоя сарфланди.

Янги жамият бир йилда 3 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё туманда мўл-кўлдир. Бу ерда шундай мева етиштирувчи хўжаликлар кўп. Корхона жамоаси улар билан ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилмоқда. «Боғбон», «Раҳимжон» фермер хўжаликлари, «Истиқлол», «Дўрмон», Мусамуҳамедов номли ширкат хўжаликлари корхонага кўплаб узум етказиб бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб бораётганлиги учун янги-янги ишчи ўринлари яратилмоқда. У ишга тушганидан бери иш ўрни икки баравардан ортиқ кўпайди.

Жамоа қўлидан чиқаётган маҳсулотга хорижий мамлакатлардан ҳам талабгорлар чиқмоқда. Чунончи, бу йил Россия, Қозоғистонга икки юз тонна шарбат юбориш учун шартнома тузилган.

— Ҳозирги вақтда қайта ишланган узум маҳсулотларини фақат буюртмачиларга етказиб бераяпмиз, — дейди корхона раҳбари Маҳмуджон Саидов. — Келгусида шарбатни қадоқлаш цехини ишга туширмоқчимиз. Натижада идишларга қуйилган тайёр маҳсулотни бозорга чиқариш имконига эга бўламиз. Бу қўшимча даромад манбаига айланади ва, энг муҳими, янги ишчи ўринлари яратилади. Умуман, келажакка ишонч билан қараймиз. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлик тузилмаларининг эркин фаолият юритиши учун тобора кенгроқ имкониятлар, янги-янги имтиёзлар яратиб берилаётгани бизни янада самаралироқ ишлашга даъват этади.

***СУРАТДА:** уста Обид Жўраев (чапдан), ишчи Григорий Чикиров ва технолог Шерзод Қосимов корхонага келтирилган хом ашё — узум сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки VISA ELECTRON халқаро карталарида ўзбек сўмларида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берадиган қўшимча хизматни жорий этди.**

# Янги хизмат: Visa Electron

VISA карталари эгалари товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш, ҳисоб рақамидаги қолдиқ доирасида амалга оширилаётган транзакцияларни назорат қилиш, Миллий банк банкоматлари ва терминаллари тармоғида, келгусида эса VISAга аъзо Ўзбекистон банклари инфратузилмасида операцияларни бажариш имкониятига эга бўлади.

**ЎзА.**

# ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

**Чирчиқ шаҳрида жойлашган Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг вакиллари, ташкилотнинг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази масъул ходимлари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаххоров бошқарди.

Унда шу йил 8 ноябрь куни Оқсаройда ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида белгиланган вазифалар, шу йилнинг тўққиз ойида бажарилган ишлар таҳлили ва ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш, 2006 йилга мўлжалланган республика ва халқаро мусобақаларнинг тақвимий режаси ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси, ўқитувчи-усталар малакасини ошириш, 2004-2005 ўқув йилида "Ватанпарвар" ташкилоти ўқув муассасаларида ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар якунлари, янги ўқув мавсумида ҳарбий-техник мутахассисликлар турини кўпайтириш ва бу борада жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда қатор ютуқлар билан бирга, муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилгани танқид қилинди. Бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича масъул ходимларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

*Нуқтаи-назар*

# ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

**Республика Президенти 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: «Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан бири — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир», деб таъкидлаган эди.**

Эндиликда мамлакатда кичик бизнес билан ҳамқадам хусусий тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони 278271 та бўлган бўлса, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари 259779 тани, яъни 89,6 фоизни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич беш йил олдин 29,1 фоиз эди. Биргина 2004 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Бундай хўжалик субъектларининг аксарият қисми пойтахтда ва Тошкент вилоятида фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўпайтириш йўли билан ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Бу, аввало, аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшларнинг кўплигидир. Маълумки, Тошкент вилоятида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари юқори бўлиб, қишлоқ жойларида бу суръат шаҳарга нисбатан янада юқори. Анъанавий маънодаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзи (қайта ишлаш корхоналари ва инфратузилмаларсиз) ўсиб келаётган меҳнатга лаёқатли ёшларнинг ҳаммасини иш билан таъминлай олмайди. Аксинча, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, чорвачиликка илғор технологияларни жорий этиш натижасида бу соҳада ишловчиларнинг кўп қисми ишсиз қолади.

Аслини олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ана шу маҳсулотларни етиштириш жараёнларининг давомидир. Масалан, йиғиб олинган мева-сабзавот қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади. Шу йўл билан ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги бартараф қилинади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида давом эттириш имконияти яратилади. Натижада, қишлоқ аҳолисини иш билан тўлароқ банд қилиш ва уларнинг даромадларини ошириш масаласи ҳал қилинади. Бунинг учун вилоятдаги мавжуд хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари — ишлаб чиқариш цехлари, майда ҳунармандчилик, касаначилик каби иш ўринларини аҳолининг талаб ва эҳтиёжи даражасида кенгайтириш лозим бўлади.

**Наима ЗОИРОВА, Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси.**



# ЯНГИ ҲОСИЛДАН СИФАТЛИ ТОЛА

**«Чиноз» ва «Далварзин» очиқ турдаги пахта тозалаш корхоналари жамоалари терим мавсумида дала меҳнаткашлари билан қўлни қўлга бериб ишладилар.**

Ҳосилни туну кун узлуксиз қабул қилиб, йиғим-терим жараёнининг бир маромда боришига муносиб ҳисса қўшдилар. Ўнлаб ширкатлар ва кўплаб фермер хўжаликларидан шартнома асосида олинган хом ашё ғарамларда узоқ муддат сифатли туриши учун зарур чора-тадбирларни белгиладилар. Бекобод ва Чиноз туманлари деҳқонларидан қабул қилиб олинган хом ашёни қайта ишлашни бошлаб юбордилар. Далварзинликлар 26 минг тоннадан кўпроқ, чинозликлар эса 22 минг тонна атрофида қимматли хом ашёдан тайёрладилар. Ҳозиргача ажратиб олинган тонна-тонна сифатли тола буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Шуниси таҳсинга сазоворки, толанинг асосий қисми хорижий мамлакатларга жўнатиляпти.



***СУРАТЛАРДА:** «Далварзин» пахта тозалаш корхонаси тайёрлов бўлими мудири Муҳаббат Эгамбердиева пахта сифатини текширмоқда; Чиноз пахта тозалаш корхонасинг бир гуруҳ мутахассислари экспортга мўлжалланган тола тойларини кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД ва Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

# ХАЛҚАРО ФАРМАЦЕВТИКА КЎРГАЗМАСИ

**Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида очилган биринчи халқаро ихтисослаштирилган фармацевтика кўргазмаси истиқлол йилларида фармацевтика соҳасида эришилган ютуқларимизнинг ўзига хос намойишига айланди.**

Унда дори-дармон етказиб бериш тўғрисида муҳим шартномалар имзоланиши билан бирга, фармацевтика саноатини ривожлантириш борасида маркетинг тадқиқотлари олиб борилади. Кўргазмани "ZarExpo" миллий кўргазма компанияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" акционерлик компанияси, "Ўзфармсаноат" уюшмаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этди.

Кўргазмада витаминлар, вакциналар, ферментлар, қон ўрнини босувчи препаратлар, биологик фаол қўшимчалар, дори-дармонлар, тиббиёт ва лаборатория ускуналари, табиий ва ўсимлик экстрактларига оид маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Унда юртимиздаги "Тибмаҳсулот" масъулияти чекланган жамияти, "Ўзбиофарм" очиқ акциядорлик жамияти, "Фармед", "Jurabek Laboratories Ltd" каби ўттизга яқин фирма ва корхонада тайёрланган дори-дармон ва тиббий воситалар билан бирга Россия, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Венгрия, Украина каби давлатларнинг фармацевтика корхоналари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган.

**ЎзА.**

# «САХОВАТ»ДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

**Республика ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» қариялар уйида хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда Маннон Уйғур номидаги санъат институти талабалари ижросида спектакль намойиш этилди.

Ташкилотчилар томонидан қариялар уйига кийим-кечак, дори-дармонлар ва бошқа совға-саломлар топширилди.

Шундай тадбирлардан яна бири Чирчиқ шаҳридаги 14-болалар уйида ҳам ўтказилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

*Китобингизни ўқидим*

**Буюк шоир Ҳоди Тоқтош «Муҳаббат ул ўзи эски нарса, лекин ҳар бир юрак уни ёнғорта» (янгилайди) деган экан.**

# «КЎНГИЛ ИШИ ШУЛ ЭКАН»...

Янгибозорга кириб бориб, бироз юрилгач, Кавардон номли сўлим бир қишлоқ бор. Қишлоқ ёқалаб Қорасув дарёси ҳайқириб оқади. Кавардоннинг бодомқовоқ, сулув қизлари, алпқомат, мард йигитлари, сўзамол, ишбилармон, меҳмондўст кишилари ҳамиша меҳрибону сертавозе. Пиру бадавлат кексаларнинг нақл қилишларича, Кавардон азал-азалдан меҳру муҳаббат таратувчи, ишқ-муҳаббат шевалари билан тиллашувчи осмони мусаффо, ҳавоси, табиати нафис қадимий маскан.

Кавардонлик шоир Собир Олимжоннинг «Зарқалам» нашриёти томонидан чоп этилган «Сиз ўшами?!» шеърий тўпламини варақлар эканман, кўнглимдан юқоридаги фикрлар кечди.

Собир Олимжон бир оз тўпори, бесаранжомроқ кўринади-ю, аммо, гап-сўзга чечан, ҳазилкашликка мойил инсон. У махсус электр-тармоқ қурилиш ҳиссадорлик жамиятида нурчи-тармоқчи бўлиб хизмат қилади. Адабиётимиз ихлосманди, шеърият шайдоси, ўзи ҳам баъзан-баъзан вилоятимиз ижодкорлари даврасига қўшилиб, ўз шеърлари билан даврага файз киритади. Кўнгли нозик инсон, яхши шоир.

Собир Олимжоннинг шеърларидаги эрка ишқ, соғинчу ҳижрон армонлари сизга ҳам юқади. Кўнглингиз гупириб, илк муҳаббат қийноқларини ёдингизга туширади. Беихтиёр шоир билан ҳамнафас эканлигингизни унутиб, унинг сатрларини такрорлай бошлайсиз.




*Менинг каби тонгда туриб,*
*Кўкда булут куйиб йиғлар.*
*Дилин ёқиб, оҳлар уриб,*
*Томларингни туйиб йиғлар.*

Шоир юрагини жазиллатган армонлар дунёси сизга ҳам юққандек, сизга ҳам ўзини кўз-кўз қилгандек бўлади. Унинг нозик дид билан чизган манзаралари, севги сатрлари қалбингизни тўлқинлантириб, жунбушга келтиради. Тўпламдан ўрин олган табиат ва одамлар, гул ва ошиқлар ҳақидаги шеърлари ва «Мактубларим» лирик достони ўзининг самимийлиги билан ажралиб туради.

Собиржоннинг «Сиз ўшами?!» шеърий манзумасини бир варақлаб кўринг-а, унинг ишқдан яралган самимий сатрлари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**Шавкат ТУРОБ.**

**"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти профессор Суюн Қораевнинг "Ўзбекистон вилоятлари топонимлари" китобини нашр этди.**

# ВИЛОЯТЛАР ТОПОНИМЛАРИ

Жой номлари чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, асрлар оша донишманд халқ ижодининг бебаҳо мероси сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тушунчалардир.

Юртимиздаги кўплаб географик номлар жойларнинг табиий шароити - рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолининг хўжалик фаолияти, шунингдек, тарихий воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқдир. Баъзида замон талатўплари, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият жой номларига муайян маънода "таҳрир" киритгани ҳам сир эмас.

"Ўзбекистон вилоятлари топонимлари" китобида келтирилишича, республикамизда биргина шаҳар ва қишлоқларнинг номлари 13 мингдан ошади, рельеф шакллари ва сув объектлари номи 10 мингга етади. Мавжуд кўчалар, маҳаллалар, бозорлар, майдонлар, боғлар, ариқ-ҳовузлар, қабристонлар, жарликлар ва бошқа жой номлари мўътабар юртимизнинг бой тарихи ва маданиятидан далолатдир.

Китобда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий топонимлари батафсил изоҳланган.

**ЎзА.**

# УСТОЗ МУСАВВИР АСАРЛАРИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Кутлуғ Башаров асарлари кўргазмаси очилди.**

Ҳозирги Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида талабаларга таълим берган устоз мусаввир бугун ҳаёт бўлганида саксон баҳорни қаршилар эди.

Рассом графика соҳасидагина эмас, балки рангтасвир соҳасида ҳам самарали ижод қилган. Унинг асарлари нафақат юртимиз, балки Австрия, Венгрия, Миср Араб Республикаси, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатлар галерея ва тасвирий санъат музейларида сақланади.

Истиқлол йилларида ижодкорнинг самарали меҳнати юксак қадрланди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан у "Эл-юрт ҳурмати" ҳамда "Меҳнат шуҳрати" орденлари билан тақдирланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Мунозара учун мавзу*

# ГАП ФАҚАТ ЁШЛАР САВИЯСИДАМИ?

**Кейинги вақтларда кўпгина оммавий ахборот воситалари саҳна асарларида ёшлар ҳаёти, саҳна ва томошабин муаммоларига кенг ўрин берилмоқда. Бироқ, бундай чиқишларнинг аксариятида бирёқлама фикр юритиш кучайган. Нима учун ёшлар спектаклларга тушмайдилар? Айб кимда? Бу саволларга жавоблар бир хил: «Томошабиннинг савияси паст», «Нима учун ҳар доим томошабин айбдор ҳисобланиши керак?»**

Ўша оммавий ахборот воситалари драматургиянинг бугунги аҳволига деярли эътибор бермайди. Ахир театр ва томошабин ўртасида кўприкнинг мустаҳкам бўлишига саҳна асарларининг мукаммаллиги сабабчи бўлади-ку. Демак, театрнинг ўз томошабинларини йўқотаётганлигига сабаб драматургиянинг оқсаётганлигидир. Бугунги кун комедиялари маиший муаммолар билан банд. Бошқа жанрларда эса асарлар деярли йўқ.

Ёзилаётган ва саҳналаштирилаётган асарлар мавзу доирасининг торлиги, замона қаҳрамонини очиб бера олмаётганлиги сабабли ўз томошабинларини тополмаяпти. Кўтарилаётган муаммолар эса жуда жўн бўлиб, замонага деярли мос эмас. Масалан, «Андишали келин», «Суперқайнона 1,2», «Чимилдиқ» каби асарларни олиб кўрайлик. Бизнингча, уларни томоша қилган кишиларда «Ёшлар ҳаётида, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлардан долзарброқ ва муҳимроқ муаммо йўқми?» деган савол туғилиши мумкин.

Ахир театрларда ёшлар ҳаётига бағишланган саҳна асарлари яратилса, саҳна ва томошабин ўртасида бугунги кунда юзага келган муаммога чек қўйилган бўларди, саҳна ва ёшлар ўртасида ўзига хос мулоқот пайдо бўларди, деб ўйлайман.

Яқинда Аброр Ҳидоятов номли театрда Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» ҳикояси бўйича ишланган саҳна асари намойиш этилди. Спектакль бугунги кунда учрайдиган айрим тушунмовчиликларни қамраб олган, яъни ҳануз келинга эскича дунёқараш доирасида муомала қиладиган, уни ўз уйига бир яхши сепли хизматкор сифатида келишини ўйлайдиган она ва жуфтини ўзига муносиб кўриб, ўзи севиб турмуш қурган ўғил ўртасидаги зиддиятлар акс эттирилган.

Бундай муаммолар бугунги кунда ҳам мавжуддир. Деярли кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг фикрлари билан ҳисоблашмайдилар. Наҳотки, улар фарзандларининг мустақил ҳаётда ўз фикрларига эга бўлишаётганига тўсқинлик қилишаётганларини тушунишмаса? Юқоридаги спектаклда бу муаммо яхши ёритиб берилган.

Менимча, ҳар бир ёш томошабин (нафақат ёшлар) спектаклнинг ғоя ва хулосаларидан ўрнак олиши, воқеалардан чуқур таъсирланиши, ўз дунёсини саҳна орқали кўра олиши керак. Албатта, бунинг учун спектаклнинг савияси баланд бўлиши, яъни актёрларнинг ўз ролларини табиий ҳамда маҳорат билан ижро эта олишлари, саҳна безаклари, мусиқанинг мослиги ва албатта, драматургия ва режиссёрлик маҳорати талаб этилади.

Ёшлар учун бевосита алоқадор бўлган тарбиявий, ҳаётда ўз ўрнини топа олиш, илмга эътиборни кучайтириш, ватанпарварлик мавзуларидаги спектаклларни қўйиш бугунги кун талабидир. Ҳозирги ҳаётимизда севги, қайнона-келин муаммоларидан бошқа кўпгина мавзулар ҳам борку ахир.

Кўпчилик ёшларнинг ота-онасига ҳурматсизлиги, атрофдагилар, ёрдўстлари билан муомалада маданиятсизлиги, илмга, ўқишга қизиқишлари йўқлиги, вақтида ўқимаганлиги сабабли билимсизликдан келиб чиққан ишсизлик, фирибгарлик йўллари билан пул ишлаш, ғоявий бўшлиги туфайли ҳар хил оқимларга кириб кетишлари, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва шулар каби яна қанча долзарб мавзулар мавжудку.

Хулоса қилиб айтганда, театр санъати ёшлар учун тарбия мактабига айланиши зарур.

**Элнора ЁҚУБОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

*Футбол*



# XIV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

**Чемпионат совриндорлари муддатидан илгари аниқланган бўлсада, сўнгги 26-тур учрашувлари қизғин курашлар остида ўтди ва биронта учрашувда дуранг натижа қайд этилмади.**

Мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритган «Пахтакор» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна» устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, 65 очко билан жадвалда биринчи поғонани банд этган бўлса, «Машъал» жамоаси ўз майдонида «Қизилқум»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, 59 очко билан кумуш медални қўлга киритди.

«Насаф» жамоаси Ғузорда «Шўртан»га ўйинни 1:2 ҳисобида бой берсада, бронза медалига эга бўлди.

«Трактор» жамоаси ўз майдонида «Навбаҳор» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, жадвалда тўртинчи поғонага кўтарилиб олди. «Нефтчи» ўз майдонида «Металлург» жамоасини қабул қилди. Ўйиннинг 16-дақиқасида Анвар Бердиев киритган ягона тўп «Нефтчи»га ғалаба келтирди ва у олтинчи поғонани банд этди. «Бухоро» — «Тўпаланг» учрашувида 2:1 ҳисоби қайд этилди. «Самарқанд-Д» ва «Локомотив» ўртасидаги баҳсда майдон эгалари 1:0 ҳисобида зафар қучдилар.

Кеча 11 ноябрда Тошкентдаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида 24-турнинг кечиктирилган ягона учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Нефтчи» — «Навбаҳор» жамоалари баҳс юритади. Бу учрашувда «Нефтчи» ютса, бешинчи ўринни эгаллайди. Агар «Навбаҳор» зафар қучса, «Трактор»дан ўзиб, тўртинчи ўринга кўтарилади. Сўнгги икки ўринда қолган «Сўғдиёна» ва «Шўртан» жамоалари биринчи табақада учинчи ва тўртинчи ўринларни банд этган жамоалар билан олий табақада қолиш учун баҳс юритадилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**

**Якуний жадвал қуйидагича кўриниш олди:**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| «Пахтакор» | 26 | 21 | 2 | 3 | 78-15 | 65 |
| «Машъал» | 26 | 19 | 2 | 5 | 54-24 | 59 |
| «Насаф» | 26 | 16 | 3 | 7 | 50-31 | 51 |
| «Трактор» | 26 | 13 | 2 | 11 | 48-44 | 41 |
| «Навбаҳор» | 25 | 12 | 3 | 10 | 31-27 | 39 |
| «Нефтчи» | 25 | 12 | 1 | 12 | 37-28 | 37 |
| «Қизилқум» | 26 | 11 | 4 | 11 | 33-32 | 37 |
| «Тўпаланг» | 26 | 11 | 2 | 13 | 34-45 | 35 |
| «Локомотив» | 26 | 9 | 3 | 14 | 39-47 | 30 |
| «Металлург» | 26 | 9 | 2 | 15 | 32-47 | 29 |
| «Бухоро» | 26 | 9 | 2 | 15 | 37-59 | 29 |
| «Шўртан» | 26 | 6 | 1 | 19 | 23-56 | 19 |
| «Сўғдиёна» | 26 | 5 | 4 | 17 | 16-53 | 19 |

*Биласизми?*

# КУЛГУ — СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

Бир қатор тадқиқотлардан сўнг америкалик олимлар шундай фикрга келишди. Ҳар кунги кулгу қон айланиши ва юрак фаолияти яхшиланишига ёрдам беради. Оғир руҳий кайфият, зиқлик, аксинча, юрак хасталикларига мойилликни оширади. Бу ҳақда Америка кардиологларининг Орландо шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида қитъа олимларининг икки гуруҳи маълум қилди. «Биз кулгуни спорт билан алмаштириш керак, демоқчи эмасмиз, балки қатъий ҳолда маслаҳат берамизки, кўпроқ кулиб туриш керак. Ҳафтада уч марта уч соатдан машғулот билан шуғулланиш ҳамда ҳар кунги 15 дақиқалик кулгу сизнинг соғлиғингизни ва қон айланиш тизимини яхшилайди», дейди Мэрилэнд университети қошидаги тиббиёт мактаби доктори Майкл Миллер.

Олимлар тадқиқотлар жараёнида руҳий тушкун ҳамда қувноқ тоифаларга кирувчи 20 нафар соғлом эркакнинг тест-гуруҳини кўриб чиқишди. Одамлар қаҳқаҳа отиб кулишса, улардаги қон айланиш тезлиги 22 фоизга ортган. Тушкунлик ҳолатида эса бу жараён 35 фоиз секинлашган.

*Бекажон*

## «Зодагон» пироги

**Керакли масаллиқлар:** 250 гр. маргарин; 3 стакан шакар; 3 стакан ун; уксус билан ўлдирилган 0,5 чой қошиқ сода; 6 та тухум; 1 кг. творог; 1 та лимон; 4 та олма.

**Тайёрланиши:** маргаринга 3 дона тухум сариғи, 0,5 стакан шакар ва уксус билан ўлдирилган чой содаси қўшилиб хамир қорилади. Хамирни листга жўва орқали ёйиб ўрта оловда 15-20 дақиқа давомида пиширилади. Устига сомонча шаклида тўғралган олма ва ичига творогли аралашма солиб бизе билан чиройли насадка орқали безатиб чиқилади. Ва духовкада паст оловда 40 дақиқа давомида пиширилади. **Ички масаллиқ:** творог қирғичдан чиқарилган лимон билан аралаштирилади. Устига 3 та тухум сариғи ва 0,5 стакан шакар солинади. **Бизеси:** 6 та тухум оқи 2 стакан шакар билан кўпиртирилади.



# ДОВДИРАШ

## (Ҳажвия)

«Ҳар тўкисда бир айб» деган нақлни донолар жуда билиб айтишган. Камина инсонларга хос бўлган барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштиргани ҳолда, атиги биттагина иллат — ичкилик қаршисида... ночорман. Ҳар куни ишга отланаётиб, хотинга: «Энди ичмайман» деб ваъда бераман-у, остона ҳатлаб, кўчага чиққан заҳоти унутаман. Шу касофат касрига бир эмас, еттита ишхонани ўзгартиришимга тўғри келди. Мени маҳалладошларимдан кўра участка нозири Алижон яхши танийди. Шу йигитга минг раҳмат, хизматини сидқидилдан бажаради. Совуқда суяган ҳам шу йигит бўлди.

Баъзан хотиним хуноби ошиб: «Адаси, шу вақтгачаароққа тўлаган пулингизни жамласа, бир эмас, тўртта машина келарди» деб қолади.

Ичкилик ишқибозига сабаб ҳам, баҳона ҳам топилавераркан. Мана, кеча ишдан келиб пича телевизор кўрдим. Кейин тоза ҳавода бироз айланай, деб иккинчи қаватдан пастга тушдим. Йўлакдош қўшним Тўлқинжон ҳам зерикиб ўтирган экан, пича шахмат сурдик. Бир маҳал қўлтиғига қути қистириб қўшни йўлакда турадиган Зокир сариқ келиб қолди. Тўрт яшар ўғлига туфли олган экан, ҳазил-ҳазил билан «ювасан» деб туриб олдик.

Қисқаси, бошланишига уч киши иккита «новча»ни консерва билан «гум» қилдик, кейин пивохўрлик бошланди. Охири кимдир уйидан шампан виносини кўтариб чиққанини элас-элас эслайман.

Мана, соат эрталабки олтига бонг урди. Туни билан мижжа қоқмадим. Кўнгил беҳузур бўлиб, нуқул сув ичаман. Ўзимга келиб қарасам, поллатта чайиладиган пақирни яримлатиб қўйибман.



Кўнглим бир хил бўлиб кетди. Хотинни уйғотиб, бақирдим:

— Поллатта чайиладиган пақирни ошхонага қайси аҳмоқ опкирди?

— Каттангиз Нурий бўлса керакда, нима эди? — деди у уйқули кўзларини аранг очиб.

— Фаросат деган нарса борми буларда? — дедим жаҳлим чиқиб. — Ўз жойига қўйса бели узилиб тушадими?

Мана, соат ҳам тўққизга қараб кетяпти. Ишга боришга дармон йўқ. Аммо бормасанг ҳам бўлмайди, чунки янги ишга кирганимга бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ...

Ўйлаб-ўйлаб, охири холодильникдаги яримтани олдим-да, у билан докани ҳўллаб, бўйнимга боғлаб олдим.

Амаллаб даҳлизга чиқиб, энди бир пой туфлимни кийганимни биламан, ўртанчам Ғайрат ошхонада чириллаб қолди. Шоша-пиша кирсам, шайтонлаб, оғзини юмдалаяпти. Полда арoқ қуйилган стакан думалаб ётибди.

— Аччиқ, дада, аччиқ, — дейди энтикиб.

— Шунақа, билиб қўй, ўғлим, — дедим тантанавор. — Биз ҳам ҳар куни уйга асал ялаб келаётганимиз йўқ.

Ишхонадагилар томоғимдаги докани кўриб, астойдил ҳол-аҳвол сўрашди. Хуллас, ҳаммаси ўзим ўйлагандек кечаётган эди. Бир маҳал поллатта чайиладиган пақирдан сув ичганим ёдимга тушиб, кўнглим ағдарлиб кетса бўладими?

— Нега рангингиз оқариб кетди, тинчликми? — деди ёши улуғимиз Сафар ака.

— Юрагим қисяпти, — дедим ноилож.

— Тезда бориб шифокорга учрашинг, — дея маслаҳат берди бўлим бошлиғи Комил Дўстматович.

— Кераги йўқ, — дедим жонҳолатда, шифокорга борсам, сирим очилиб қолишидан қўрқиб. — Тоза ҳавога чиқсам ўтиб кетади. Ўзи шунақаман.

— Ҳозир ўтиб кетар-ов, — деди Сафар ака чўзиб. — Лекин юрак деганлари бир куни шундай ушлаб қоладики, кейин... — негадир кўзларини маъюс шифтга қаратди, қўйвормаслиги ҳам мумкин.

— Гапнинг қисқаси, — деди Комил Дўстматович чўрт кесиб. — Обиджон сизни шифокорга олиб боради. Ади-бадини йиғиштиринг, соғлиғингиз керак.

Обиджон мени поликлиникага олиб бориб, терапевтга рўпара қилди ва ўзи ишхонага қайтди.

Кўзойнак таққан шифокор опа касалимни аниқлаш учун тиббиётда бор усулни қўллади. Сўнг кўзойнагини олиб:

— Ҳеч қанақа касалингиз йўқ, — деди.

— Буёғи қизиқ бўлди-ку, — дедим қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида. — Тўғри, унақа оғир касал эмасдирман, лекин ҳеч қанақа касалингиз йўқ, деганингиз нимаси? Бирор дори-дармон ёзиб беринг-чи, тузалиб кетарман.

— Йўқ касалингизга нима дори ёзиб бераман? — деди опа жаҳли чиқиб.

— Жуда бўлмаса валидол ёзиб беринг?

— Валидолни рецептсиз ҳам дорихонадан олаверасиз.

Аслида бош оғриғига юз грамм билан уйқудан бошқа дорининг асқотиши даргумон-ку, лекин бошлиққа кўрсатиш учун шапалоқдек муҳрли рецепт зарур-да.

У қилдим, бу қилдим — опадан дори-дармонга қоғоз ёздириб олдим. Уни ўқиб ўтирмай, тўрт буклаб чўнтакка солдим-у, бошлиқнинг олдига йўл олдим.

Рецептни Комил Дўстматовичнинг олдига ташлаб, ясама энтикиш билан:

— Бюллетен берамиз дейишувди, кўнмадим, — дедим. — Янги ишга келган бўлсам. Бугун дам олсам, ўзимга келиб қоларман, эртага ишга чиқавераман.

Рецептни қайта-қайта ўқиб, Комил Дўстматовичнинг ранги ўзгарди. Бир зум тикилиб турди-да:

— Ҳайрият, касалингиз оғир эмас экан, ўтиб кетади. Мана ўзингиз ҳам ўқиб кўринг, — деди.

Рецептга кўз югуртирдим-у, донг қотиб қолдим. Унда катта-катта лотинча ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Ароқхўрларни бошқа жойда даволашади, манзили керак бўлса, тортинмай олдимга келинг».

**Рустам ХУДОЙҚУЛ.**

Совместное предприятие в форме открытого акционерного общества «DEMIR TEKSTIL» сообщает об уменьшении размера уставного фонда с 8 500 000 долларов США до 8 110 760 долларов США. Уменьшение уставного фонда будет осуществляться путем сокращения количества акций.

Тел.: 133-06-00.

Тошкент вилояти ҳокимининг 162-сонли қарори ва вилоят иссиқлик манбаи ИЧБнинг 92-сонли буйруғига асосан 2005 йил 1 октябрдан Янгийўл иссиқлик манбаи корхонаси вилоят иссиқлик манбаи ИЧБ таркибига киритилди. Шу муносабат билан барча ҳисоб-китоблар вилоят иссиқлик манбаи ИЧБ билан олиб борилади.

**Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ҳалилова кўчаси, 15-уй. Телефонлар: 55-70-49, 55-79-88.**

«ООО «EUROTECHNOLOGY» Юнусабадского района г. Ташкента извещает об уменьшении уставного фонда с 7 950 000 сум до 7 440 000 сум.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* *Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.*

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 2678. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

(Т) белгили материаллар - реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 18.15. 2 3 4 5 6